

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**НАЖМЕДДИНОВ АҲМАД РАҲМАТОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕНЦИОНАЛЛИК  
КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ СЕМАНТИК  
ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 811.111'42  
811.512.133'42

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Нажмеддинов Аҳмад Раҳматович**

Инглиз ва ўзбек тилларида интенционалик категориясини  
ифодаловчи воситаларнинг семантик ва прагматик хусусиятлари

..... 3

**Najmeddinov Ahmad Rahmatovich**

Semantic and pragmatic features of the means of expressing the category of  
intentionality in the English and Uzbek languages.

..... 28

**Нажмеддинов Аҳмад Раҳматович**

Семантические и прагматические особенности средств выражения  
категории интенциональности в английском и узбекском языках

..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 56

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ**

**НАЖМЕДДИНОВ АҲМАД РАҲМАТОВИЧ**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ИНТЕНЦИОНАЛЛИК  
КАТЕГОРИЯСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТАЛАРНИНГ СЕМАНТИК  
ВА ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Fil1644 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университети веб-саҳифаси ([www.adu.uz](http://www.adu.uz)) ҳамда “Ziyouet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шаҳобитдинова Шохида Хошимовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзахидова Муяссар Инамжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Воситов Валижон Абдувахобович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг «22» апрель 2022 йил соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz).)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.М.Улуқов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**М. Умарходжаев**

Илмий даража берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида бугунги кунда ҳар қандай фан натижалари динамик равишда янгилашиб, тўлдирилиб бориши ва бу ютуқлар нафақат тегишли соҳа, балки жамият ривожига хизмат қилиши кераклиги асосий талаб ҳисобланмоқда. Барча тилларда антропоцентрик категория бўлмиш интенционалликнинг лисоний воситалар орқали ифода қилиниши фақатгина тор доирада – лингвистик чегараларда тадқиқ қилинса, унинг жамики ички ва ташқи хусусиятларини тўлақонли талқин қилиш мумкин эмаслиги кўриниб қолди. Бу ушбу йўналишдаги ишларга амалий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Дунё тилшунослигида ҳозирги кунда психолингвистика, социолингвистика, когнитив лингвистика, компьютер лингвистикаси каби соҳаларнинг ривожланиб бораётгани самараси ўлароқ, замонавий тадқиқотлар лисоний тизимнинг формал-структур жиҳатдан қандайлиги масаласи эмас, балки унинг антропоцентрик хусусиятлари, қандай маданий, ижтимоий, миллий, мантиқий, когнитив вазифаларни бажаради каби масалаларни ўрганиш яна ҳам муҳим роҳналарга чиқди. Интенциянинг тилда воқеланиши турли-туман фонетик, морфологик, лексик, синтактик воситалар орқали амалга ошади. Мазкур воситалар тилнинг барча сатҳларида гипероним, гипоним ва синонимик алоқаларга эга эканлиги уларнинг контекстга монанд танланиши тафаккур ва мулоқотни яхлит англашуви асосида рўй беради.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳар томонлама ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижтимоий соҳаларни яна ҳам ривожлантириш ҳақидаги кўрсатмаларга асосан тилшунослик олдига қўйилган вазифалар сирасида бу масалани ҳам санаш мумкин. Шу жиҳатдан интенционаллик категориясини ифодаловчи вербал ва новербал воситаларнинг семантик ва прагматик жиҳатларини, уларнинг мулоқот жараёнида турли товланишларда акс этиши хусусиятларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида чоғиштирма таҳлиliga бағишланган илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд. Зеро, “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4997-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

«Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон «Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, Президентимизнинг 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сонли «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19-январ куни қабул қилинган «Хорижий тилларни ўрганишни такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 34-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот республика фан технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги.** Диссертация фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида иш-ҳаракатнинг турли кўринишларини ифодаловчи воситаларнинг ўзига хос жиҳатлари ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ушбу соҳа тадқиқодчиларининг қизиқишларига сабаб бўлди. О.С.Ахманова<sup>2</sup>, Н.Д.Арутюнова, Г.Г. Сильницкий З.Д.Попова, И.А.Стернин, А.П.Чудинов каби етук рус тилшунослари муайян концепт ва унинг вербализаторлари таҳлиliga алоҳида эътибор қаратдилар. Мазкур йўналишдаги изланишлар адресатга коммуникатив интенцияни тўғри ва таъсирли етиб боришида вербал ва новербал репрезентларнинг аҳамияти борасидаги изланишларга туртки бўлди<sup>3</sup>. Интенционалик категориясини когнитив ва психологик ҳодиса сифатида лисонда акс этиши хусусиятларини тадқиқ этиш О.А.Алимурадов, А.А. Богатырев, А.В. Бондарко, Л. А.Брусенская, Л.В.Курочкина, В. П. Барбашов, Е. В. Заюкова, О. И. Кулько, М.К.Любимова<sup>4</sup> каби рус тилшуносларининг тадқиқотлари билан янги поғонага кўтарилди.

<sup>2</sup> Ахманова О. С. Лингвистическое значение и его разновидности //Проблема значения в лингвистике и логике.– М.: Наука, 1969. Арутюнова Н. Д. Логические теории значения //Принципы и методы семантических исследований. – М.:Наука, 1976. – С. 92-118. Сильницкий Г. Г. Структура глагольного значения и результатив //Типология результативных конструкций: Результатив, стив, пассив, перфект. – Л.:Наука, 1983. – С. 54-65. Попова З. Д., Стернин И. А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж: изд-во «Истоки», 2007. Чудинов А. П. Метафорическая мозаика в современной политической коммуникации. – Екатеринбург, 2003.

<sup>3</sup> Доценко Е. Л. Семантика межличностного общения: дис.психологических наук – Московский государственный университет им. М.В. Ломоносова, 2000. Иссерс О. С. Коммуникативный менеджмент: типы речевых стратегий //Культура народов Причерноморья. Научный журнал. № 82. Т.1. –Симферополь, 2006.. Иссерс О. С., Рахимбергенова М.Х. // Полит. лингвистика. – 2007. – №23. – С.90-96. – Электронная копия доступна на рус. филол. портале. URL: <http://philology.ru/linguistics2/issers-rakhimbergenova-07.htm>

<sup>4</sup> Алимурадов О. А. Значение, смысл, концепт и интенциональность: система корреляций //ЯЗЫК. ТЕКСТ. ДИСКУРС.: АДД – Ставрополь, 2004. Богатырев А. А., Сусов И. П. Схемы и форматы индивидуации интенционального начала беллетристического текста. – Тверь, 2001. Бондарко А. В. Грамматическое значение и смысл. – Л.: Наука, Ленингр. отд-ние, 1978. Брусенская Л. А., Курочкина Л. В. Интенциональное

Ғарб тилшунослигида масала устида изланишлар психоллингвистик ва социоллингвистик тадқиқотлар доирасида ривожланди. А.Дьюранти, С.Каппнер, Ж.Нуйтс, Ж.Хабермас, Р.М.Диксон<sup>5</sup> сингари атоқли олимлар хоҳиш-истак феъллари таснифи ва уларнинг модаллик категорияси билан муносабатига урғу бердилар.

Ўзбек тилшунослигида интенционаллик категорияси кам ўрганилган ва ўзининг ечимини кутаётган муаммоларга эга мураккаб масалалардан биридир. Мазкур категориянинг фақатгина баъзи жиҳатларига А. Нурмонов, Ш.Сафаров, М.Базарова, М.Расулова<sup>6</sup> каби тилшунослар ишларида тўхталиб ўтилган бўлиб, бу соҳада кенг қамровли монографик тадқиқотлар мавжуд эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ОТ-Ф1-18 рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни ифода этувчи лексик ва грамматик воситаларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:**

интенционаллик категориясининг турли соҳалар кесишмасида ўрганилишининг тарихи ва тадқиқий манбаларини ўрганиб чиқиш;

интенционаллик категориясининг ифодаланишида экспликация ва импликациянинг прагматик потенциалини аниқлаш;

инглиз ва ўзбек тилларида коммуникатив интенцияни ифода этувчи лексик ва грамматик воситаларнинг когниция билан изчил алоқасини далиллаш;

инглиз ва ўзбек тилларида коммуникатив интенциянинг экспликациясида контекстуал омилларнинг дистрибуциясини аниқлаш;

---

использование грамматических форм существительных в современном русском языке //Филологические науки. – 2001. – №. 1. – С. 73-81. Барбашов В. П. Вербализация интенциональных состояний в публицистическом тексте: АКД. – Барнаул, 2007. Заюкова Е. В. Семантика и прагматика интенциональности в языковой актуализации (на материале английского языка) //Дис. на соискание уч. степени к. ф. н. – Барнаул, 2005. Кулько О. И. Интенциональность как категория летописного текста (на материале Галицко-Волынской летописи):Дисс... канд. фил. наук. – Волгоград, 2002. Курочкина Л. В. Интенциональные грамматические формы существительных в современном русском языке //Дисс... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 1999. Любимова М. К. Интенциональные смыслы согласия и несогласия в русских и немецких дискурсах совещаний и переговоров: дис. – Тамбов : [Тамб. гос. ун-т им. ГР Державина], 2004.

<sup>5</sup> Duranti A. Intentions, language, and social action in a Samoan context //Journal of pragmatics. – 1988. – Т. 12. – №. 1. – С. 13-33. Duranti A. The social ontology of intentions //Discourse Studies. – 2006. – Т. 8. – №. 1. – С. 31-40. Kappner S. Intentionalität aus semiotischer Sicht: peirceanische Perspektiven. – Walter de Gruyter, 2012. – Т. 65. Nuyts J. Epistemic modality, language, and conceptualization. – John Benjamins, 1999. Habermas J. On the pragmatics of social interaction: Preliminary studies in the theory of communicative action. – MIT Press, 2002. Dixon R. M. W. A semantic approach to English grammar. – Oxford University Press, 2005.

<sup>6</sup> Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т., 1992. Нурмонов А. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 3-китоб // Т.: Илм зиё, 2013. Сафаров Ш. Прагматлингвистика. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 282 б. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – 341 б. Базарова М. М. Ўзбек тилидаги ижобий истак мазмунини ифодаловчи нутқий бирликларнинг лисоний хусусиятлари. – Тошкент, 2007. – 53 б. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике: Автореф. дисс. ... докт.филол.наук. – Т., 1998.

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни эксплицит ифодаловчи лексик ва грамматик воситаларни аниқлаш ва тизимлаштириш;

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни эксплицит ифодаловчи лексик ва грамматик воситаларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини чоғиштирма таҳлил қилиш;

**Тадқиқотнинг объекти** инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни имплицит ва эксплицит тарзида ифода этувчи лексик ва грамматик воситалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** инглиз ва ўзбек тилларида мулоқот жараёнида юзага келган интенционал вазиятлардир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда интерпретация, дистрибутив, тавсифий, чоғиштирма, контекстуал, компонент ва прагматик таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

интенционаллик ва унинг нутқда воқеланиши сўзловчи/муаллифнинг лисоний ва нутқий компетенцияси, кўзланган мақсадни контекстда етказиб бера олиш усуллари ва тамойиллари билан боғлиқлиги, оламнинг лисоний тасвирида коммуникатив интенция адресат табиатидаги қатъийлик, нейтраллик ва қатъиятсизлик даражасини эксплицит ва имплицит воқелантирувчи воситаларга бой эканлиги билан ўзининг ифодавий вазифасини тўлақонли бажара олиши исботланган;

интенционалликнинг турли референт-вазиятларга оид когнитив ва коммуникатив-прагматик таркиби жумла ифодалаётган ахборот таркибида новербал ифодаланган маънони англашга йўналтирилган ментал фаолият, адресатнинг адресант хабар мазмунидаги тўлиқ ифодаланмаган маънони англашга кўмаклашувчи ментал фаолияти аниқланган;

инглиз тилида to be going + infinitive қурилмаси келаси замон – субъектнинг хоҳиш-иродасидан қатъий назар юзага келадиган маълум бир вақт билан боғлиқ бўлган муқаррар ҳаракат ёки ҳодисанинг кўрсаткичи сифатида, ўзбек тилидаги эквиваленти фақат коммуникатив мақсад экспликацияси учун қўлланилувчи келаси замон мақсад феълидан коммуникатив ҳамда прагматик жиҳатдан релятив эканлиги далилланган; миллий маданият ва қадриятлар билан боғлиқ равишда инглиз тилида интенционалликнинг ифодаланишида эксплицит (тўғридан-тўғри) ифодалар, ўзбек тилида эса имплицит (яширин) ифодалар устуворлик қилиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

олий ўқув юртларида умумий, қиёсий, инглиз ва ўзбек тилшунослиги, когнитив тилшунослик, психоллингвистика, шунингдек, таржимашунослик бўйича дарсликлар яратиш ҳамда маъруза ва амалий машғулотларнинг мукамаллашувига хизмат қиладиган материаллар йиғилган;

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни ифодаловчи лисоний воситаларнинг динамик-дистрибутив табиати аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни ифодаловчи лексик ва грамматик воситаларнинг экспликатив, имплектив ва ситуатив актуализацияси даражаси ўртасидаги фарқлар тизимга солинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-услубий ва илмий-амалий конференцияларда қилинган маърузалар, ОАК рўйхатидаги махсус журналларда чоп этилган мақолалар, хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз ва ўзбек тилларида интенционаллик категориясини ифодаловчи лисоний воситаларнинг алломорф ва изоморф хусусиятлари таҳлилига оид назарий хулосалардан когнитив тилшунослик, психоллингвистика, социоллингвистика, прагмаллингвистика соҳаларига оид ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Таржима назарияси», «Прагмаллингвистика», «Когнитив тилшунослик», «Чоғиштирма тилшунослик», «Стилистика», «Чет тили (инглиз)» фанларидан дарслик, ўқув қўлланма яратишда; спичрайтерлар (нутқ ёзувчилар) ва таржимонларнинг амалий фаолиятида, шунингдек, реклама матнларининг таъсир доирасини оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инглиз ва ўзбек тилларида интенционаллик категориясини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

интенционаллик ва унинг нутқда воқеланиши сўзловчи/муаллифнинг лисоний ва нутқий компетенцияси, кўзланган мақсадни контекстда етказиб бера олиш усуллари ва тамойилларини ёритишдаги илмий хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг Эразмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-SBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 21 апрелдаги 875/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада миллий корпусни яратиш ва табиий тилга ишлов берувчи дастур (NLP tool)im ишлаб чиқишда фонетик, морфологик, лексик, синтактик воситаларнинг алломорф ва изоморф хусусиятларини маълумотлар базасига киритишда тадқиқот иши муҳимлиги аниқланган;

интенционалликнинг турли референт-вазиятларга оид когнитив ва коммуникатив-прагматик таркиби аниқлашга доир илмий хулосалардан Наманган давлат университетида бажарилган 561624-EPP-1-UK- EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS+SBHE (2015-3722/001- 001- рақамли “Internationalisation and Modernisation of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan - IMEP (Ўзбекистон олий таълими жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш) мавзусидаги Erasmus+ capacity building

лойихасининг Наманган давлат университетига тегишли бўлган иш жараёнида фойдаланилган. (Наманган давлат университетининг 2022 йил 6 январдаги 12-04-сон маълумотномаси). Натижада Наманган давлат университетига таълим жараёнини модернизациялаш ва халқаролашувини ривожлантириш учун тадқиқотнинг когнитив тилшунослик, психоллингвистика, социоллингвистика, прагматингвистика соҳалари манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни ифодаловчи лексик ва грамматик воситаларни аниқлашга ва тизимлашга доир илмий хулосалардан Қўқон шаҳар мусикали драма театрининг 2021 йил давомида томошабинларга намойиш этилган «Тўйлар муборак», «Муқимий тановари», «Қўнғироқ» каби спектаклларда унумли фойдаланилган (Қўқон шаҳар мусикали драма театрининг 2022 йил 7 январдаги 2-сон маълумотномаси). Натижада театрга ташриф буюрган томошабинларнинг сахна кўриниши мулоқотларида ифодаланган интенционаллик воситалари намуналаридан баҳраманд бўлишида илмийлик мезони таъминланган;

инглиз ва ўзбек тилларида интенционалликни эксплицит ифодаловчи лексик ва грамматик воситаларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятларини ёритишдаги илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали ДМ "Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар" муҳарририяти томонидан тайёрланган "Тил-миллат кўзгуси", "Таълим ва тараққиёт" номли радиоэшиттиришларини тайёрлашда (2020-2021 йиллар давомида) материал сифатида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканалининг 2022 йил 12 январдаги 04-36-71-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар учун эфир орқали интенционалликнинг психология, психоллингвистика, тилшунослик, фалсафа каби соҳалар кесишмасида ўрганиб келинаётган категория сифатида онгнинг йўналганлик характерини белгиловчи мақсад ва эҳтиёжларининг хусусиятлари таҳлил қилинди, реклама матнлари ва маънавий маърифий телерадио эшиттиришларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатлари, ҳамда уларнинг томошабинга таъсири ҳақида маълумотлар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 164 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Интенционаллик категорияси тадқиқининг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида «Интенционаллик категориясининг тадқиқи тарихига назар», «Нутқий актлар назарияси: мулоқот муҳитида коммуникатив интенциянинг ифодаланиши масалалари», «Коммуникатив интенциянинг прагматик табиати», «Интенционаллик категориясининг когнитив-функционал жиҳатлари» қисмлари мавжуд.

Ҳар қандай иш-ҳаракат муайян субъект ёки объектга йўналганлик тамойилига асосланади. Шундай экан, фаолиятнинг барча кўринишлари –хоҳ жисмоний, хоҳ руҳий ёки аклий шаклда бўлсин, интенционаллик хусусиятига эга эканлиги билан ажралиб туради. Интенционаллик (лот. *intentio* – *интилиши*), феноменологиянинг асосий йўналишларидан бири сифатида онгнинг предмет томон йўналганлигини ифодалайди. Интенционаллик тушунчаси ўрта асрлардан бошлаб фалсафий тадқиқотларда ўз жиддий аксини топган бўлиб, XIX аср охирларида Ф.Брентано томонидан руҳий ҳодисаларни физик ҳодисалардан фарқловчи характер хусусияти сифатида қўлланила бошлаган. Кейинчалик Д. Деннет ва Э. Гуссерль каби олимлар олиб борган тадқиқотларда фанда янги қирралар билан намоён бўла бошлади. Улар интенционалликни онгнинг муайян предмет томон йўналганлигини ва унинг тажриба предмети билан мутаносиблигини белгиловчи омил сифатида баҳолайдилар. Э. Гуссерль мазкур тушунчани Ф.Брентанодан ўзлаштиради, бироқ ундан фарқли ўлароқ, ҳар қандай кечинма ҳам интенционал характерга эга эмаслигини таъкидлайди. Интенционаллик тушунчаси шу билан аналитик фалсафа соҳасида тил ва онг муносабатлари масалаларига бағишланган тадқиқотларда қўлланила бошлади<sup>7</sup>. Нутқнинг интенционал аспекти устида изланишлар мурожаат, мулоқот тамойиллари ва этикети тўғрисидаги постулатларни таҳлил этиш заруриятини ҳам тақозо этди. Бу борада тадқиқотлар самараси ўлароқ, мулоқотни ташкил этишнинг ва унинг контекстга таъсирини таъминлашнинг янгидан-янги, аввал фанга маълум бўлмаган мантиқий усуллари рўёбга чиқа бошлади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб нутқнинг имманент равишда англашиладиган жиҳатларига эмас, балки психосемантик хусусиятларига эътибор кучайди, белгининг истак, ирода, ихтиёр, мотив сингари компонентлари, онгнинг мақсадли фаоллашуви сингари тушунчалар чуқур таҳлил этила бошланди. Интенция тушунчаси, авваламбор, нутқий актлар назарияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, тил

<sup>7</sup> Большая Российская энциклопедия [Электрон ресурс: <https://bigenc.ru/philosophy/text/2014075>]

бирликларининг иллокутив вазифаларини тавсифлашда қўлланилади. Нутқий интенция лисон воситасида муайян иш-ҳаракатни амалга ошириш истаги сифатида функционал грамматиканинг ҳам тадқиқот объектига айланган. Интенционалликнинг грамматик категориялар билан алоқаси ҳақида гап кетар экан, айтиш керакки, грамматик шаклларнинг семантик вазифалари ва тафаккурни нутққа кўчиши ҳамда сўзловчининг майли ўртасидаги муносабатлар тушунилади.

Интенционаллик ва унинг нутқ билан муносабати масалалари сўзловчи/муаллифнинг нутқий компетенцияси, нутқда кўзланган мақсадни контекстда етказиш усуллари ва тамойиллари доирасида ҳам текширилди<sup>8</sup>. Интенционалликнинг грамматик аспекти борасида А.В. Бондарко олиб борган изланишларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз<sup>9</sup>. Унинг таъкидлашича, интенционаллик ноинтенционаллик билан қарама-қарши равишда ўрганилиши лозим. Ноинтенционаллик категориясини олим сўзловчининг майлини амалга оширишида роль ўйнай олмайдиган ва хабарнинг пассив элементлари ҳисобланган бирликлар системасидир (масалан, парантезалар), деб баҳолайди. А.В.Бондарко нутқий актлар назариясига таянган ҳолда интенционаллик категориясини ўзгача тарзда, яъни грамматик шакллар семантик вазифаларининг хабар мазмуни билан муносабати нуқтаи назардан талқин қилади<sup>10</sup>. Демак, интенционаллик оламни англаш имконини берувчи тафаккур тузилмаси сифатида инсон онгининг ажралмас қисми бўлмиш хоҳиш-истак, интилишлари унинг атроф-оламдан нимани кутиши билан характерланишини кўрсатиб берувчи категориядир.

Масала устида Ю. Д. Апресян, Н. Д. Арутюнова, А. Зализняк, И.М. Кобозева, И. Б. Шатуновский сингари тилшунослар ҳам самарали изланишлар олиб бордилар<sup>11</sup>. Мулоқот жараёни нафақат маълумот алмашинув, балки суҳбатдошга нисбатан таъсир ўтказиш, сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив интенциясини рўёбга чиқиши, мулоқот иштирокчилари онгининг ўзаро таъсир механизмини ҳам назарда тутди. Равшанки, интенционаллик психология, психоллингвистика, тилшунослик, фалсафа каби соҳалар чорраҳасида тадқиқ қилинувчи масала ҳисобланади. Мазкур категория онгининг предмет томон йўналганлиги иш-ҳаракат мақсади, эҳтиёжи ва субъектнинг олам тўғрисидаги тасаввурлари билан бевосита боғланган. Интенционаллик категорияси фалсафий ва психологик нуқтаи назардан қўплаб олимлар томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, унинг нутқ

<sup>8</sup> Белова С.С. Интенциональные явления на раннем этапе развития речи // Язык. Сознание. Коммуникация. Культура. – Под ред. Уфимцевой Н.В., Ушаковой Т.Н. –М.-Калуга: Эйдос, 2005. – С. 99 – 109

<sup>9</sup> Бондарко А.В. К проблеме интенциональности в грамматике (На материале русского языка) // Вопросы языкознания.–1994.– №2. – С. 29-43

<sup>10</sup> Бондарко А.В. Кўрс.манба. – С.41

<sup>11</sup> Апресян Ю. Д. Избранные труды, том II. Интегральное описание языка и системная лексикография. – М., 1995; Арутюнова Н. Д. Язык и мир человека. – М., 1999; Зализняк Анна А. О понятии имплицативного типа [для глаголов с пропозициональным актантом] // Логический анализ языка. Знание и мнение.– М.: Наука, 1988. – С. 107-121; Кобозева И. М. Интенционал предложения и интенция говорящего // Анализ знаковых систем. История логики и методологии науки. Тезисы докладов IX Всесоюзного совещания. –Киев: Наукова думка, 1986.– С 17-18; Шатуновский И. Б. Семантика предложения и нереферентные слова. –М.: Школа «Языки русской культуры», 1996.– 400 с.

билан муносабати муаммоларига талайгина тадқиқотлар бағишланган. Коммуникатив интенцияларнинг лисонда ифодаланиши масалалари муҳокамаси ҳануз оқсамоқда, чунки психоллингвистика соҳасида маълум даражада ишлар қилинган ва хулосалар олинган бўлишига қарамасдан, улар умумий методологик асосга эга эмас.

Замонавий тилшунослик мулоқот жараёнида субъектив омилларнинг таъсир доирасига эътиборнинг турли ёндашувлар негизида қаратилиши ҳисобига ўзининг анъанавий қобиғининг кенгайтормоқда ва тилшунослар олдига лисонни кенг мулоқот, нутқий фаолиятлар призмасида таҳлил қилиш вазифасини қўймоқда.

Коммуникатив интенциянинг мақсадга мувофиқ ифодаланиши учун зарур прагматик туртки масаласига тўхталар эканмиз, нутқда экспликация ва импликациянинг аҳамиятини аниқлаб олиш даркор. Ҳар қандай маъно ифодаси талқинида эксплицит ва имплицит жиҳат ётади. Экспликация муайян маънонинг тил бирликлари орқали формал, тўғридан-тўғри, зоҳиран ифодаланиши бўлса, импликация контекст ва вазият тақозо этган омилларни ҳисобга олиб талқин қилинувчи тағмаъно, яъни фикрнинг ботиний ифодаси, лексик ва грамматик бирликлар орқали бевосита ифода қилинмаган, бироқ субъектив интерпретацияга асосланган хулосадир<sup>12</sup>.

Интенционалик категориясининг моҳияти ҳамда уни ифодаловчи воситаларнинг кўп қиррали ва тизимли таҳлили учун хоҳиш-истакни инсон онгида пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичларига назар солган маъқул. Интенционалик категориясининг нутқда турли лисоний ва нолисоний воситалар орқали акс этиши унинг психологик долзарб категория сифатида воқеланишга нақадар мойиллигидан далолат беради. Мазкур категория, нисбатан торроқ лисоний тушунча поғонасида, хоҳиш-истак концепти орқали майдон тузилмасини ташкил қилади. Е.П. Ильин хоҳиш-истакни инсон хулқ-атворини бошқарувчи омил сифатида баҳолайди<sup>13</sup>.

Хоҳиш-истак инсон фаолиятининг вектори сифатида у ёки бу эҳтиёжни қондириш мотиви асносида юзага чиқувчи ихтиёрий табиатга эга бўлган мураккаб майдон ҳисобланади. Хоҳиш-истак, шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, орзу ва истак босқичидан то уни амалга ошириш фазасигача бўлган ривожланиш поғоналарини босиб ўтувчи мотив сифатида баҳоланиши мумкин.

Коммуникатив мақсад онгнинг ташқи олам билан, ташқи оламнинг эса лисоний тизим билан муносабатини таъминловчи каналдир.

Инсон онгида вужудга келиб, нутққа кўчиши мумкин бўлган хоҳиш-истак турларининг чексиз эканлигига қарамасдан, уларни умумлашмаси, яъни коммуникатив интенцияларнинг яхлит тизимлашган таснифини ишлаб чиқиш

---

<sup>12</sup> Арнольд И.В. Импликация как прием построения текста и предмет филологического изучения // Вопросы языкознания. – 1982. – №4. – С. 83-91.; Долинин К.А. ИмPLICITное содержание высказывания // Вопросы языкознания. – 1983. – №6. – С.34-47.; Парамонова И.П. ИмPLICITные конструкции и их функционирование в немецкой разговорной речи // Структурно-функциональный аспект предложения и текста: Межвузовский сборник научных трудов. – Л., 1987. – С. 80-88.

<sup>13</sup> Ильин Е.П. Сущность и структура мотива // Психологический журнал. — Том 16. 1995. – №2. – С. 27-41.

имконияти бор, бироқ мазкур масалага, табиийки, умумий ёндашув мавжуд эмас. Анъанавий синтаксис тамойилларига кўра улар уч гуруҳга жамланади – дарак, сўрок, ундов.

Коммуникатив интенцияни нутқда ифодалашнинг кўплаб усул ва воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг танлови ниҳоятда индивидуал характерга эга: сўзловчи/муаллиф адресантнинг интеллектуал, ижтимоий, руҳий, миллий ва маданий, қолаверса, диний жиҳатдан ўзига хос хусусиятларини ва ўзининг субъектив вазиятини, яъни истак ифодасининг эҳтиёжий даражасини ҳисобга олган ҳолда муайян нутқий стратегия ва воситаларни қўллайди: *«Қазо етиб ўла қолса, Пошшахонга уйланмоқчи эдим... чунки, мингбошидан тегадиган мерос чакана бўлмасиди...»*(Чўлпон)

*“Don’t you touch him!” I kicked the man swiftly. Barefooted, I was surprised to see him fall back in real pain. I intended to kick his shin, but aimed too high* (Lee H.)

Мазкур мисолларда морфологик интенционал бирлик *-моқчи* аффиксининг қўлланилиши интенциянинг ҳиссий-экспрессивликдан ҳоли нейтрал оттенкада, «истайман», «intend» феъллари эса қатъийлик ва эмоционалликнинг очик кўринишига ишора қилмоқда.

Тингловчи нуқтаи назаридан олиб қаралса, нутқий ифодаларнинг берилишида сўзловчи томонидан қўлланилувчи турли лисоний бирликлар жамланмаси, уларнинг турли маъновий товланишлари, контекстуал, ситуатив ва информатив юкнинг тақсимланиши сингари омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Лисоний воситаларнинг танлаб олиниши сўзловчининг эмоционал ҳолатига ҳам албатта боғлиқдир: *I hear this argument and it appeals to me. I believe in it, intellectually. I really do. But then I wonder—with all my restless yearning, with all my hyped-up fervor and with this stupidly hungry nature of mine—what should I do with my energy, instead?* (Gilbert E.)

Мазкур ҳолатда тилнинг ички тузилмавий вариативлиги, яъни функционал, стилистик, прагматик, ижтимоий, географик ва шу каби тилнинг ташқи тузилмавий вариативлиги билан яқин алоқада бўлмиш функционал синонимия ҳодисасини кузатиш мумкин. Синонимиянинг онтологик асоси муайян семантик таркибни бир-биридан маъно оттенкалари ёки градуал характерга кўра фарқланувчи лисоний бирликлар орқали ифодаланиши ҳисобланади. Шу ўринда «семантик вазифа» ҳамда «грамматик маъно» тушунчаларини фарқлаб олиш лозим. Тилда ўзининг доимий ифодаловчисига эга бўлган, сўз шакли ва гапга хос умумлашган маъно грамматик маъно саналади. Маълум грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган моддий восита грамматик шакл ҳисобланади. Грамматик шаклларни грамматик категорияни ташкил этган унсурлар дейиш мумкин. Аслида грамматик шакл деганда, маълум грамматик маънонинг моддий томони тушунилади. Грамматик шакл грамматик категорияни ташкил этган қисмларнинг бир томонини — шаклий томонини ифодалайди. Шу боис, грамматик категориялар грамматик шаклларнинг муносабатидан юзага келган умумийлик, дейилса, мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки грамматик категория таркибига кирган ҳар бир қисм ҳам, ўз навбатида, шакл ва мазмун

муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Шу сабабли айрим муаллифлар грамматик категория таркибий қисмлари учун граммема атамасидан фойдаланмоқдалар.

Грамматик бирликларни грамматик категорияларга бирлаштиришда шу категорияга хос умумлашган маъно асос бўлиб хизмат килади. Категорияга хос бу умумлашган маъно мазкур категорияга бирлашган ҳар бир граммемада такрорланади. Шу билан биргаликда категория доирасидаги ҳар бир граммеманинг бошқасидан фарқ қиладиган маъноси ҳам бор. Ана шу маънолар категория унсурларининг ўзаро зидланишида асос бўлиб хизмат килади. Интенционалик категориясининг тегишли қиймати ва ундан кўзланган коммуникатив мақсадни, яъни иллокутив таъсир ҳосил қилишда ўйнайдиган ролини чегаралаб олиш даркор:

*Баракалла, она қизим. Богча опангга ҳам раҳмат, — деди набирасини қўлидан тутиб. Нозима яна бийрон тиллари билан бидирлай кетди. — Бу, менинг ўртача ясанганим. Наврўз байрамида янаям зўр кийинаман. (Абдуллаев А.)*

Мазкур мисолда беҳабитив иллокутив таъсир бобонинг коммуникатив интенциясига ишора қилаётган бўлса, қуйидаги парчада экзерситив иллокуция сезилади:

— «Менинг ҳеч бир касбим бўлмаса, савдо-сотик қилмасам, қизил қоғоз олган бўлмасам... озгина ер-сув билан нечик бадавлат бўлайин?»

— «Бизни алдаёлмайсан, Мирёқуб! Биз сени ниҳоят даражада ҳурмат қиламиз. Бугун ҳузуримизга олиб келиб сўроқ қилганимиз учун сендан кечирим сўрашгача борамиз. Сен — бизнинг оламимизда улкан кишилардансан. Ўрислар сенга ўхшаганларни китобларда мақтайдилар. Сенинг ҳамма ҳунаринг, енг ичида иш кўриб, шунча пул топишингда. Сен завод парраklarини айлантираётган кишисан. Фақат бир жойга бир чақа солиқ тўламайсан. Шундай бўлгандан кейин, сендай улуг бир одам бир ишни чуқур ўйламасдан қилмайди. Ҳалиги масалада бизга ҳақиқий планингни айтиб бер!» (Чўлпон)

Муайян жумланинг қандай нутқий актни ифода этаётгани унинг референт маъносида акс этмайди, чунки нутқий таъсирнинг (иллокуция) актуаллашуви даражаси одатда белгиланмаган бўлади. Иллокутив вазифани аниқлаш учун нутқий вазиятни моделлаштириш даркор. Бунда нутқий вазият қатнашувчилари, коммуникантларнинг ўзаро мулоқотдаги тажрибаси ва муносабати, информатив звено ҳамда перлокутив натижа ҳисобга олинади<sup>14</sup>.

Интенционаликни тилга кўчирувчи воситалар, одатда, суҳбатдошга нутқий таъсир кўрсатишнинг турли оттенкаларини ифодалаш мақсадида қўлланилади (хабар бериш, маслаҳат, буйруқ, илтимос ва ҳ.к.) Шу туфайли ҳам интенционалик категориясига нафақат анъанавий тилшунослик нуктаи назаридан функционал-семантик категория, балки коммуникантларнинг фаолиятини тартибга солувчи воситалар тадқиқи истикболларини кўзлаб, прагматингвистик жиҳатдан ҳам таҳлил қилиш бугунги кун тилшунослари

<sup>14</sup> Трунова О.В. Семантические константы и дискурсная дивергентность форм категории модальности в английском языке. Автореф. дисс... докт. филол. наук. — Санкт-Петербург, 1995. — С.17

олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, коммуникатив интенциянинг моҳиятини очиб бериш, нутқий сигналларнинг сўзловчи/муаллиф томонидан актуаллашуви, умуман олганда, интенционалликни конкрет нутқий вазиятда тўғридан-тўғри ифодаланишини таъминловчи воситаларнинг сифатий таҳлили долзарблигича қолмоқда.

Интенционалликни ифодалувчи мисоллар таҳлили кўрсатдики, уларнинг асосий қисми констативлар гуруҳига мансубдир. Бироқ ушбу мисолларнинг инвариантлик нуктаи назаридан олиб қаралса, имкониятлари анча кенглигига гувоҳ бўламиз. Контекстдан айро гаплар, бир қарашда, муайян иш-ҳаракатни бажариш истагини ифодалайди, лекин контекст ичида аслида умуман бошқа коммуникатив интенция назарда тутилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, қуйидаги мисол иллокутив жиҳатдан экспозитив таъсирга эга:

*"Паранжиси эски, ҳар келганида бировникини ёпиниб келади"*. Бироқ контекст ичида унинг аслида экзерситив компонент эканлиги маълум бўлади:

*Ҳеч бўлмаса битта паранжи олиб келинг, савоб бўлади. Хотин кишига паранжи олиб бериш мачит солишдан ҳам савоб эмиш. Паранжиси эски, ҳар келганида бировникини ёпиниб келади.* (Қаҳҳор А.)

Яна адабий асардан олинган парчаларни қиёслаймиз:  
экзерситив: *Save your breath, brother.*

Аслини олганда, контекст бирлиги сифатида эса экспозитив: *"Save your breath, brother," he said to the rug salesman. "This old girl ain't got any floors to put a rug on." Undaunted, the Kashmiri salesman suggested, "Then perhaps madam would like to hang a rug on her wall?"* (Gilbert E., 171)

Шу ўринда коммуникатив интенцияларни Е.В.Заюкова томонидан таклиф этилган таснифини ўринли деб ҳисоблаймиз<sup>15</sup>: қатъийликнинг прагматик товланишларига эга бўлган интенциялар гуруҳи: қатъий тасдиқ, буйруқ, талаб, шунингдек, муайян информацияни талаб қилувчи сўроқ гаплар, раддия ва норозиликни ифодаловчи интенциялар; - нейтралликнинг прагматик товланишларига эга бўлган интенциялар маслаҳат, таъкид, тушунтирув, таклиф, тилак, ваъда, руҳсат ва ҳ.к. - қатъиятсизлик, мавҳумлик, ноаниқлик оттенкаларига эга бўлган интенциялар: илтимос, ўқинч, тахмин, шубҳа ва ҳ.к.

Коммуникатив интенциянинг қатъийлик даражаси субъектнинг иш-ҳаракатни бажаришга бўлган қарорининг қатъийлик даражасидан келиб чиқади: мақсадга эришишга бўлган истак қанчалик кучли бўлса, нутқий ифодаларда қатъийлик шунчалик пасайиб боради, ва аксинча. Мазкур вазиятга шахснинг эмоционал ҳолати нуктаи назаридан қараладиган бўлса, англаб етиш мумкинки, истакнинг кучайиши унга эришиш учун интилишнинг ва қабул қилинган қарорларнинг қатъийлашувига олиб келади. Нутқий ифодала

<sup>15</sup> Заюкова Е.В. Семантические и прагматические особенности лексических средств выражения интенциональности // Актуальные проблемы гуманитарного знания: Материалы региональной научно-практической конференции молодых ученых. - Барнаул, 2004. — С. 81-87

кўчган ҳар қандай истак ва майлга эришувнинг гарови розилик, маъқуллаш, ёрдам ва ҳ.к. ҳисобланади, акс ҳолатда эса истакдан воз кечилади ёки аввалгидан ҳам кучлироқ шаклда намоён бўлиб, бошқа субъектларга йўналиш кераклигини тақозо қилади, ва, қатъийлик даражасининг ортиши бу вазиятда истак ижобати учун ҳалакит беради<sup>16</sup>.

Ушбу хулосалар интенционалликни лисонда турли қатъийлик даражаси билан ифода этувчи воситаларнинг нутқий актнинг иллокутив жиҳати билан чамбарчас алоқасига ишора қилади. У ёки бу лисоний воситалар коммуникатив интенциянинг муайян гуруҳини ифодалашда доминант бўлиб, бир-биридан қатъийлик даражасига кўра фарқ қилади.

Бироқ, таъкидлаш жоизки, мазкур мутаносиблик абсолют бўла олмайди, балки эҳтимолий – спекулятив характерга эга ҳисобланади, чунки ҳар қандай мисолнинг ўзгача талқини мавжуд ва бу омил олинган хулосаларнинг номувофиқлиги эмас, балки инсон тафаккурида идеал, симметрик лисоний қолипга солиб бўлмайдиган ҳақиқатнинг кўп ёқлама эканлигидан далолат беради.

Демак, муайян иллокутив таъсирнинг нутқда фаоллашуви мулоқот вазияти, вақти, ўрни, коммуникантларнинг ўзаро муносабати, ижтимоий мавқеи, лисоний компетенцияси ва ҳ.к. сингари омилларга боғлиқ ифодаланар экан. Коммуникатив интенция, ўз навбатида, ифода қатъийлигининг турли даражаларига (қатъий, нейтрал, пассив (қатъийликдан холи)) эга экан.

Ишнинг иккинчи боби **“Инглиз ва ўзбек тилларида интенционаллик категориясини ифодаловчи лексик воситаларнинг структур-семантик ва коммуникатив-прагматик хусусиятлари таҳлили”** деб аталиб, “Интенционалликни ифодаловчи воситаларнинг функционал-семантик майдони”, “Инглиз ва ўзбек тилларида интенционаллик категориясини ифодаловчи лексик воситаларнинг структур-семантик хусусиятлари”, “Инглиз ва ўзбек тилларида интенционаллик категориясини ифодаловчи лексик воситалар (фёъллар)нинг коммуникатив-прагматик таҳлили” қисмларидан иборат. Коммуникатив интенция нутқий актда асосан перформатив фёъллар орқали воқеланади, бироқ перформатив фёъллардан ташқари тилнинг барча ярусларига тегишли қатор воситалар ҳам мавжуд бўлиб, сўзловчи/муаллифнинг коммуникатив мақсадини ифодалашда бекиёс ўринга эгадирлар. Интенционалликни ифодаловчи лисоний воситалар асосан эксплицит табиатга эга бўлган нутқий актларда фаоллашади.

Нутқда (оғзаки ёки ёзма) ифодаланувчи интенционал шаклларнинг интенционаллик жиҳати адресантга йўналган коммуникатив таъсирнинг даражаси ва табиатини аниқлаш имконини беради. Ҳар қандай нутқий акт сўзловчи/муаллифнинг муайян прагматик вазиятни ўз коммуникатив интенцияси назарда тутган эҳтиёж ёки мажбурият талабларига мослаш мақсади туфайли юзага келади ва бунда адресантга нисбатан иллокутив таъсир

---

<sup>16</sup> Заюкова Е.В. Семантические и прагматические особенности лексических средств выражения интенциональности // Актуальные проблемы гуманитарного знания: Материалы региональной научно-практической конференции молодых ученых. – Барнаул, 2004. — С. 81-87

Ўтказиш режаси назарда тутилади. Иллокутив таъсирнинг даражаси интенционаликнинг имплицит ёки эксплицит эканлиги ҳамда унинг қандай лисоний воситалар билан қандай усулда ифода этилаётганлигига боғлиқдир<sup>17</sup>. Тадқиқотимиз объекти бўлмиш интенционаликни ифодаловчи лисоний бирликлар бир-биридан белгининг интенсивлиги, экстенционалнинг кўлами, баҳо ва эмоционаллик кўрсаткичлари ҳамда у ёки бу нутқий жанрга тегишлилик нуқтаи назаридан ажралиб туради.

Коммуникатив интенциянинг шаклланиш босқичида сўзловчи/муаллиф синонимик майдон бирликларини муайян тамойилларга кўра танлаб қўллайди. Танлов масаласи эса когнитив ва коммуникатив муаммо сифатида майдонга чиқади, зеро, лисоний бирликлар нутқда фаоллашар экан, нутқий актнинг прагматик жиҳатини намоён қилиши учун нафақат коммуникатив, балки когнитив вазифани ҳам бажаради. Равшанки, сўзловчи/муаллиф томонидан у ёки бу синонимик шаклнинг қўлланилиши нутқ жараёнида унинг коммуникатив интенцияси ва лисоний компетенциясига мувофиқ равишда қандай когнитив-функционал моделнинг актуаллашувига боғлиқ тарзда амалга оширилади<sup>18</sup>. Турли лексемалар, грамматик шакллар ҳамда синтактик қурилмаларда ўз ифодасини топган коммуникатив интенциялар йиғиндиси хабар мазмунининг интенционал таркибини ташкил этади<sup>19</sup>.

Интенционаликни нутқда эксплицит равишда ифодаловчи лисоний воситаларга тўхталар эканмиз, айтиш жоизки, уларнинг лексик-семантик майдон кўлами жуда кенг.

Инглиз тилида мавжуд интенционал табиатга эга бўлган феъллар корпусининг миқдорий ва сифатий мезонлар асосидаги таҳлили ёрдамида уларни тузилишига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкинлиги маълум бўлди: содда (бир составли) интенционал феъллар:

а) содда хоҳиш-истак феъллари (*want, desire, plan* ва ҳ.к.): *"I've thought of that, Jack. I've **planned** it all. Father has saved some money. He is weary of this place where the fear of these people darkens our lives* (Doyle A.C.)

Мазкур турдаги феълларнинг ўзига хос жиҳати шуки, улар жумла таркибида муайян компонентга тобеъ қўлланилиб, семантик кенгайтмани талаб этади ва бу ҳолат V + to infinitive/-ing(gerund) қолипдаги гапларни ҳосил қилиши билан характерли.

б) феъл+предлог қолипдаги интенционал қурилмалар (*dream of, long for, pine for, aim at, be about*): *Suddenly he discovered something. One of his upper front teeth was loose. This was lucky; he **was about to begin** to groan, as a "starter," as he called it, when it occurred to him that if he came into court with that argument, his aunt would pull it out, and that would hurt* (Twain M.).

Икки составли қурилмалар: феъл+от қолипдаги интенционал семантикага эга бўлган қурилмалар (*make an effort, have a mind*): *When the worst*

<sup>17</sup> Бондарко А.В. Теория значения в системе функциональной грамматики (на материале русского языка). – М., 2002. – С.141

<sup>18</sup> Сорокина Т.С. Кўрс.манба – С. 111.

<sup>19</sup> Родионова А. В. Языковые средства выражения интенциональной направленности текста //Язык. Текст. Дискурс. – Научный альманах – Ставрополь, 2009. – №. 7. – С. 337-341.

*came to the worst, she had an impulse to get up and tell on Alfred Temple, but she made an effort and forced herself to keep still—because, said she to herself, "he'll tell about me tearing the picture sure. I wouldn't say a word, not to save his life!"* (Twain M.).

Икки ва ундан ортиқ компонентли мураккаб тузилмавий бирликлар (фразема шаклидаги турғун иборалар): *have one's heart in the right place, ill will, show one's hand, with a view to doing something, have an itch for something, have a penchant for doing something, hunger for something, one's heart is set on something, a thirst for something, cook something up, have a (good) mind to do something to be tempted to do something; to be on the verge of doing something, have designs on someone or something, make a point of doing something, have something in store (for someone), make up one's mind to do something, take upon oneself etc.*

*The boy laughed rudely. "You ain't sendin' me home, missus. I was **on the verge of leavin'**—I done my time for this year."* (Lee H.)

*On this Friday afternoon, scarcely two days after his previous visit, he **made up his mind to see** Carrie. He could not stay away longer* (Dreiser Th. Sister Carrie).

*Mr. Green **took upon himself** to order everything and everybody about the place* (Bronte E.).

Интенционал семантикага эга фразеологизмлар шаклланиши айрим лексемаларнинг мантикий асосига эмас, балки лексемаларнинг интеграцияси туфайли юз беради. Интенционал феълларнинг хос хусусиятларидан бири шуки, уларнинг маъноси дистрибутив жиҳатларига боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан *от/олмош+тўлдирувчи+интенционал феъл+инфинитив/герундий* қолипидаги моделлар ёки уларнинг модификацияси (*от+феъл+and+инфинитив* курилмалар) орқали нутққа кўчган интенционал муҳитга гувоҳ бўлишимиз мумкин<sup>20</sup>: *There was a pause during which Delaney again **contemplated pushing** himself up and heading home, but he hesitated. Here was a sympathetic ear, an impressionable mind* (Boyle T. C.,42).

*"Soon's school starts I'm gonna ask Walter home to dinner," I **planned**, having forgotten my private resolve to beat him up the next time I saw him* (Lee H.).

Шунингдек, у ёки бу бирликнинг синтактик потенциалидан келиб чиқиб, инфинитивнинг ўрнига *от +феъл + предлог + герундий* таркибли курилмалар ҳам қўлланилиши нутқда кенг тарқалган: *But it appeared to Dorian Gray that the true nature of the senses had never been understood, and that they had remained savage and animal merely because the world had sought to starve them into submission or to kill them by pain, instead of **aiming at making them elements** of a new spirituality, of which a fine instinct for beauty was to be the dominant characteristic* (Wilde O.).

Мазкур таҳлил асосида яна бир марта амин бўлиш мумкинки, интенционал табиатга эга бўлган феълларнинг тўлақонли функционал фаолияти учун қўшимча воситалар талаб этилади (яъни герундий, инфинитив,

<sup>20</sup> Заюкова Е. В. Семантика и прагматика интенциональности в языковой актуализации (на материале английского языка):/Дис. на соискание уч. степени к. ф. н. – Барнаул. – 2005. – С.32

предлоглар), акс ҳолда улар интенционалликнинг ифодаси сифатида хизмат қила олмайди. Бошқача қилиб айтганда, интенционаллик категориясининг функционал талабларига улар мустақил равишда жавоб бера олмайдилар, бироқ қуйидаги парчада қизиқ бир ҳолатга гувоҳ бўлиш мумкин:

*“Anybody **want** some hot chocolate?” he asked. I shuddered when Atticus started a fire in the kitchen stove. As we drank our cocoa I noticed Atticus looking at me, first with curiosity, then with sternness. “I thought I told you and Jem to stay put,” he said (Lee H.).*

